

100095, Toshkent shahri, Universitet ko'chasi, 2. Tel.: (895) 144-12-00. Faks: (371) 268-16-89. E-mail: [tashkentcity@umail.uz](mailto:tashkentcity@umail.uz)  
2 Universitet str., Tashkent, 100095. Tel.: (895) 144-12-00. Faks: (371) 268-16-89. E-mail: [tashkentcity@umail.uz](mailto:tashkentcity@umail.uz)

№ 02-06/1334

Toshkent shahri

2018 yil 19 Oktyabr

**Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети ректори  
Ш.Сирожиддиновга**

**Нухаси:Иттифокнинг Яккасарой  
тумани Кенгашига**

### **Хурматли Шухрат Самариддинович!**

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва ҳар йили 21 октябрнинг мамлакатимизда тил байрами сифатида кенг нишонланиши она тилимизга бўлган чексиз ҳурмат, маънавиятимизга, миллатимизга бўлган юксак эътибор намунасидир. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилган, унинг мавқеи мустаҳкамланган. Она тилимиз мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси каби қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан биридир. Шу кунларда барча таълим муассасаларида ўтказилаётган тил байрами муносабати билан ўғил-қизлар онгу шуурига миллий истиклол ғояси ва умумбашарий кадриятларга, шу жумладан, она тилига меҳр-муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро бағрикенглик каби юксак туйғуларни сингдириш мақсадида жорий йилнинг **20 октябрь куни соат 13:30да** Тошкент шаҳар ёшлар марказида “Тил – миллат кўзгуси” шиори остида диктант танлови, Мушоиралар кечаси, ООО “UZMOBILE” мобил алоқа компанияси томонидан кўرғазмалар ҳамда викториналар ўтказилиши белгиланган.

Шу муносабат билан, Сиздан, Тошкент шаҳар ёшлар марказида “Тил – миллат кўзгуси” шиори остида ташкил этиладиган тадбирга 5 нафар она тили ва адабиёт йўналиши ўқитувчиларни ҳамда 150 нафар талаба-ёшларнинг иштирокини таъминлашда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

**Хурмат билан,**

**Кенгаш раиси в.б**



**А.Жумабоев**

**Ижрочи: Б.Алибоев  
Телефон: (91) 291-99-91**